

1920 йил.. қиш... Лондон..

Ўрта ёшлардаги икки башанг кийинган эркак Пикаделли бурчагидаги тор кўча бошида тўхтади. Шу яқин орадаги қиммат ресторанларнинг бирида тушлик қилиб, яхши винодан тотиниб, кўнгилларини хушнуд қилиб чиқаётганди бу жаноблар.

Одамлар атрофини ўраб олган, 25 ёшлардаги, усти-боши бир аҳвол, ерда ётган йигит уларнинг диққати тортди.

— Буни қара, Стьютон! — ерда ётган кишига жирканиб қараркан бўйдор шеригига гап қотди хўппа-семиз джентельмен. — Ростини бундай нотовон ўлимтиқлар эътибор қилиб вақт сарфлашга арзимади. У ичкиликдан қаттиқ сархуш ёки ўлиб қолган.

— Мен тирикман... ва ўлгудай очман — дея ўрнидан кўзғалиб, унга тикилганча нималарнидир ўйлаётган Стьютонга қарата пичирлади бечора кимса. — очлик тинка мадоримни қуришиб хушсизлантирди.

— Реймер! — шеригига юзланди Стьютон. — Кўнгилхушлик учун ажойиб вазият ку бу ахир. Миямга жуда қизиқ бир фикр келди. Ростини айтсам, одатий кўнгил ёзишлардан зерикдим, — дея хаёлига келган фикрдан терисига сиғмас даражада завқланиб шеригига сўзлай кетди. — Фақат одамларни кўғирчоқдай ўйнатибгина чинакамига роҳатланиш мумкин.

Бу сўзларни Стьютон паст овозда айтгани ва атрофини одамлар ўраб олгани боис ерда ётган йигит ку суҳбатни ешитмади.

Реймерга буларнинг заррача қизиғи йўқ эди. У нафрат аралаш елкасини қисганча оғайниси билан хайрлашди ва тунни ўтказиш учун ўз клубига йўл олди. Стьютон эса одамлар ҳамда полиция кўмаги билан қаровсиз қолган йигитни отаравага ўтқазди.

Фойтон Гайстритдаги кичикроқ ресторанларнинг бири томон равона бўлди. Маълум бўлишича, ку бечоранинг исми Джон Ив бўлиб, у Лондонга Ирландиядан иш излаб лелган муҳожирлардан эди. Асли етим бўлган Ив ёшлик чоғида бир ўрмончи оиласида тарбияланган. Бошланғич мактабдан бошқа таълим кўрмаган йигитча 15 га чиққанда уни оталиққа олган киши вафот этади. Ўрмончининг катта фарзандлари янги ҳаёт излаб Америкага, Жанубий Уелсга ва Европага кетишади. Йигитча бироз муддат бир фермер кўлида ишлайди. Кейинроқ у кончилик, мотрослик машаққатларинида тотиб кўради. Кичик бир ресторанга хизматчи бўлиб ҳам ёнланади. 22 ёшида ўпкаси билан боғлиқ касалликка чалиниб бир муддат касалхонада даволаниб чиққач, омадини Лондондан излаб кўришга қарор қилади. Бироқ ку ердаги ишсизлик ва рақобат унга ку иш ҳам осон кечмаслиги исботлади. Ив паркларда, портларда тунаб юрди. Очликдан озиб-тўзиб қолди. Ва гувоҳи бўлганимиз шаҳардаги қатор-қатор савдо дўконлари ва омборларнинг эгаси жаноб Стьютонга дуч келди.

Стьютон турмушнинг ку каби ташвишларидан йироқ, пул эвазига кўлга киритиш мумкин бўлган барча нарсага эга 40 лардан ошган сўққабош эркак. У 20 миллион фунт қийматдаги мол-мулк соҳиби эди. Унга бечора Ив